

ВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ
УЧУН, ХАЛҚ УЧУН!



XXASR

IJTIMOIIY - SIYOSIIY GAZETASI



Gazeta 2004-yil
1-yanvardan chop
etila boshlagan

18-iyun
2026-yil
24 (1 178)

Жанни ИНФАНТИНО,
ФИФА Президенти:

Жаҳон футбол сахнасидаги
тарихий дебютини ўтказадиган
Ўзбекистон миллий жамоасига
энг эзгу тилакларимни билдираман.
Мухлисларини фахрлантириш,
тарихда янги саҳифа очиш ва
бутун дунёга ўз имкониятларини
намойиш этиш йўлида уларга
муваффақият тилайман!

21asr.uz XXlasr_yangiliklari XXIASR XXI_asr@mail.ru xxiasrgazetasi XXlasrgazetasi

Биз учун инвестиция бу фақат иқтисодий ресурс эмас, балки илғор технологиялар, замонавий билим ва тажрибалар, янги иш ўринлари ва давр билан ҳамнафас тараққиёт демакдир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИДА ЯНГИ БОСҚИЧ

Кечадан бери бутун дунё иқтисодиёти билимдонлари, машҳур эксперт-мутахассислар нигоҳи Буюк Ипак йўлининг довуқли манзилларидан бири, Марказий Осиёнинг асим шахри – Тошкентга қаратилган. Албатта, кейинги йилларда ушбу нуфузли анжуманга кизикш янада кучайди. Бунинг исботи – бешинчи Тошкент халқаро инвестиция форумида дунёнинг 100 дан ортиқ давлатидан 4 мингга яқин хорижий меҳмонлар қатнашмоқда.



Давлатимиз раҳбари форумдаги нутқида таъкидлаганидек, "Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор бўлган, тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали шерикликка тайёр инвесторлар учун доимо очикмиш". Жаҳон иқтисодиётида ута оғир ва зиддиятли, вужудга келган мураккаб шароитда тадбиркорлар, жумладан, инвесторларнинг ҳам ҳуқуқ ва эркинликлари ишончли ҳимоя қилинаётгани туфайли Ўзбекистон жозибадор бўлиб бормоқда.

Эътибор берайлик, халқаро мақомдаги ушбу форумнинг "Инвестициявий барқарорлик: янги марралар ва янги шериклик" деб номланганининг ўзи рамзий маънога эга. Бешинчи Тошкент халқаро инвестиция форумида Президентимиз Янги Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиёт стратегияси ва инвестиция сиёсатидаги устувор вазифаларни босқичма-босқич, атрофлича шарҳлаб берди. Ортиқча изоҳга ўрин йўқ.

Дунё аҳли кўриб, гувоҳи бўлиб турибдики, мамлакатимиз халқаро доирадаги барча инвесторлар учун ишончли ҳамкорга айланимда. Юртимизга кейинги йилларда 150 миллиард доллардан зиёд хорижий инвестициялар жалб қилингани, ялпи ички маҳсулот ҳажмининг жадал ўсиб, жорий йилда 180 миллиард доллардан ошиши кутилаётгани иқтисодиётимиз мутлақо янги босқичга кўтарилаётганининг амалий тасдиғи эмасми?

Давлатимиз раҳбари олтига муҳим йўналишни белгилаб берар экан, биринчи навбатда инвесторлар учун ҳуқуқий кафолатларни кучайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Тошкент халқаро молия марказини ташкил этиш, халқаро ҳуқуқ тамойилларини жорий этиш, мустақил халқаро тижорат судини шакллантириш ҳамда инвесторлар ҳуқуқларини ишончли ҳимоя



Актам ХАЙТОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатасидаги
O'zLiDeP фракцияси раҳбари

қилишга қаратилган ташаббуслар мамлакатимизнинг инвестициявий жозибадорлигини янада оширади.

Иккинчи муҳим йўналиш сифатида капитал бозорини ривожлантириш, IPO ва замонавий

молиявий инструментларни кенг жорий этиш белгиланди. Шунингдек, хусусийлаштириш жараёнларини изчил давом эттириш, сукук облигациялари дастурини йўлга қўйиш ва янги сармоя манбаларини жалб қилиш орқали иқтисодиётга қўшимча молиявий ресурслар кириб келиши учун мустаҳкам замин яратилмоқда.

Учинчи ва тўртинчи йўналишларда юқори қўшилган қийматли саноат тармоқларини ривожлантириш, стратегик минерал ресурсларни чуқур қайта ишлаш, шунингдек, "яшил" энергетика ва сунъий интеллект соҳаларига инвестицияларни кенг жалб этиш вазифалари илгари сурилди. Бу ташаббуслар иқтисодиётнинг инновацион, юқори технологияли ишлаб чиқаришлар ва рақамли иқтисодиётга ўтиш жараёнларини жадаллаштиради.

Бешинчи ва олтинчи йўналишлар эса транспорт-логистика инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда ҳудудларнинг инвестиция салоҳиятини юксалтиришга қаратилди. Янги транспорт коридорлари, замонавий аэропортлар, логистика марказлари, Янги Тошкент мегаполиси ва йirik инфратузилма лойиҳалари мамлакатимизни минтақанинг муҳим иқтисодий ва транзит марказларидан бирига айлантириши шубҳасиз.

Қайта-қайта таъкидланганидек, мазкур форум ва унда илгари сурилган ташаббуслар Ўзбекистоннинг очик иқтисодиёт, қулай инвестиция муҳити ва халқаро ҳамкорликка асосланган тараққиёт йўлини қатъий давом эттираётганини кўрсатди. Энг муҳими, жалб этилаётган инвестициялар аҳоли фаровонлигини оширади, янги иш ўринлари яратишга замин ҳозирлайди ва Янги Ўзбекистоннинг иқтисодий қудратини янада мустаҳкамлайди.



СИЁСИЙ ИШОНЧ КЎПРИКЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

#XalqBilanBirga

ИНСОН МАНФААТЛАРИ УСТУВОР



ЁЛҒОННИНГ ҚИРҚ ОЁҒИ... ҲАҚИҚАТНИНГ БИР ҚУЛОҒИ



МУНДИАЛДА НЕ ГАПЛАР?

Аллақачон миллиардлар ўйинига айланган футбол олами тарихида биринчи марта учта давлат (АҚШ, Мексика ва Канада) мезбонлигида бир ҳафтаки Жаҳон чемпионати ўйинлари қизиқ бораётир. Илк бор 48 та команда қатнашаётган мундиалда 4 та "қалдирғоч" жамоа (Ўзбекистон, Иордания, Кабо-Верде ва Кюрасао) футболчилари ҳам тўп тепмоқда. Хаяжон ва ҳайрат, ажойиб ва ғаройиб, қутилган ва қутилмаган тасодифларга тўла ўйинлар ҳақида газетамизнинг келгуси сонида сўз юритамиз.

Давоми. Боши ўтган сонда.

ЧИН МУҲАББАТ ҚИССАСИ

МАРЯМ АЯ ЁҚУБОВА:

– ТАҚДИРИМ ОДИЛ АКАДЕК БАҒРИКЕНГ, ДИЁНАТЛИ ВА ИЖОДҚОР ИНСОН БИЛАН БОҒЛАНГАНДАН БАХТИЁРМАН. ИЖОДҚОР БИЛАН ЯШАШНИНГ ЎЗ ҚИЙИНЧИЛИКЛАРИ БЎЛСА-ДА, У КИШИ МАРД, ҒУРУРЛИ, ҚАТЪИЯТЛИ ВА ШУ БИЛАН БИРГА МЕҲРИБОН ИНСОН БЎЛГАНЛИКЛАРИ САБАБЛИ БУ МАШАҚҚАТЛАРНИ ЕНГИБ ЎТИШ БИЗГА ҚИЙИН КЕЧМАДИ. У КИШИ ҲАМИША КЎНГЛИМГА ҚАРАР ЭДИ. ЯРИМ АСРДАН ЗИЁД ДАВОМ ЭТГАН ТУРМУШИМИЗДА БИР-БИРИМИЗГА СУЯНЧ БЎЛИБ, ЖУДА БАХТЛИ ҲАЁТ КЕЧИРДИК.



ХАМКОРЛИК



ХАЛҚАРО ФОРУМ ДОИРАСИДА

Тожикистон Республикаси пойтахти Душанбе шаҳрида “Сиёсий партиялар ва ҳамкорликнинг янги уфқлари” мавзусида халқаро сиёсий партиялар форуми бўлиб ўтди. Тожикистон давлат мустақиллигининг 35 йиллиги арафасида ташкил этилган мазкур нуфузли анжуманда Ўзбекистон Либерал-демократик партияси делегацияси ҳам иштирок этди.

Хусусан, O‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Актам Хайтов форумдаги маърузасида бугунги кунда сиёсий партиялар нафақат ички сиёсий жараёнларда, балки давлатлараро дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашда ҳам муҳим ўрин тутаятигини таъкидлади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон ва Тожикистон муносабатлари сўнгги йилларда мутлақо янги bosқичга кўтарилди. Хусусан, икки мамлакат ўртасида стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари янада мустаҳкамланди. Товар айирбошлаш ҳажми қарийб 1 миллиард долларга етди, қўшма корхоналар ва ҳудудлараро алоқалар кенгайди. O‘zLiDeP раҳбари партиялараро дипломатиянинг аҳамиятига тўхталар экан,

сиёсий кучлар ўртасидаги тўғридан-тўғри мулоқотлар ишонч ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидлади. Айниқса, ёшлар, тадбиркорлар ва ҳудудлар ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш устувор вазифалардан бири эканини қайд этди.

Форум якунида иштирокчилар томонидан халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга қаратилган қўшма мурожаатнома қабул қилинди. Анжуман партиялараро мулоқотни кучайтириш, минтақада ўзаро ишонч муҳитини янада мустаҳкамлаш ва қардош халқлар ўртасидаги дўстлик ришталарини янги bosқичга олиб чиқишда муҳим аҳамият касб этди.



O‘zLiDeP

ДЕЛЕГАЦИЯСИ

ТУРКИЯДА

Туркия Республикаси пойтахти Анкара шаҳрида “Буюк бирлик” партиясининг 13-Буюк қурултойи бўлиб ўтди. Нуфузли сиёсий тадбирда партиянинг келгуси фаолияти, янги раҳбарият таркиби ва устувор сиёсий йўналишлари муҳокама қилинди.

O‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Дилшод Шоумаров нуфузли анжуманда иштирок этди. Таъкидланганидек, бугунги кунда

Ўзбекистон ва Туркия ўртасида стратегик шериклик муносабатлари кенг йўлга қўйилган. Айниқса, кейинги йилларда икки давлат ўртасида савдо-иқтисодий, инвестициявий, маданий-гуманитар, парламентлараро ва партиялараро мулоқот ҳамда тажриба алмашинуви ҳам тобора мустаҳкамланмоқда. Бундай учрашувлар сиёсий дипломатияни ривожлантириш, ўзаро ишонч ва ҳамкорликни кучайтириш ҳамда икки мамлакат манфаатларига хизмат қилувчи янги ташаббусларни илгари суришда муҳим аҳамият касб этади.

O‘zLiDeP матбуот хизмати

СИЁСИЙ ИШОНЧ КЎПРИКЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Озарбойжон Республикасининг қадим Шуша шаҳрида “Минтақанинг глобал хавфсизликка ҳиссаси: Жанубий Кавказда тинчлик барпо этиш” мавзусидаги халқаро форумда O‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Актам Хайтов бошчилигидаги делегация ҳам иштирок этди.

Дунёнинг қатор давлатларида фаолият кўрсатаётган нуфузли сиёсий куч раҳбарлари қатнашган мазкур конференцияда партиявий дипломатия, минтақавий иқтисодий ҳамкорлик ва можаролардан кейинги тикланиш масалалари атрофида муҳокама қилинди. Форумда O‘zLiDeP раҳбари “Халқаро му-

носабатлар трансформацияси шароитида Ўзбекистоннинг партиявий дипломатияси” мавзусида чиқиш қилиб, кейинги йилларда Ўзбекистон ва Озарбойжон ўртасидаги халқаро муносабатлар юқори bosқичга чиққанини, икки қардош халқни умумий тарих, маданият ва қадриятлар боғлаб туришини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик муносабатлари икки давлат раҳбарининг ўзаро ишонч ва яқин дўстлик алоқалари туфайли янада мустаҳкамланаятигини қайд этди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда савдо-иқтисодий, маданий ва ҳудудлараро ҳамкорлик жадал ривожланиб бормоқда. Ўзбекистон сўнгги йилларда Марказий Осиёда тинчлик, барқарорлик ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлашга қаратилган изчил сиёсат юритмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан минтақада барча соҳаларда амалий ҳамкорликнинг янги муҳити шаклланди. Бу тажриба барқарор

тинчликнинг асоси мулоқот, ўзаро ҳурмат ва ҳамкорлик эканини намоён этмоқда.

Шу нуқтаи назардан Жанубий Кавказда тинчликни мустаҳкамлаш ҳам очик мулоқот ва ўзаро манфаатли шерикликни кенгайтиришни талаб этади. Ўзбекистон партиявий ва парламентлараро дипломатия орқали тинчлик, бағрикенглик ва яхши қўшничилик ғояларини фаол илгари суриб келмоқда ҳамда минтақада барқарор тинчлик таъминлашини қўллаб-қувватлайди.

Эътиборли жиҳати, А. Хайтов O‘zLiDeP ва “Янги Озарбойжон” партиялари ўртасидаги ҳамкорлик ҳам изчил ривожланиётганини таъкидлади. 2024 йилда имзоланган меморандум партиялараро алоқаларни янги bosқичга олиб чиқиб, тажриба алмашинуви ва парламентлараро ҳамкорликни янада фаоллаштиришга хизмат қилаётганига ургў берди.

O‘zLiDeP матбуот хизмати

ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК

БОЛАЛАР ШОДЛИГИ – КАТТА БАХТ



Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар инсон қадрини юксалтириш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш ҳамда келажагимиз эгалари бўлган ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол вояга етишини таъминлашга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Бу жараёнда давлат органлари билан бир қаторда фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда касаба уюшмаларининг ҳамкорлиги муҳим ўрин тутаяди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтларни ривожлантириш ва фуқаролик жамиятини қўллаб-қувватлаш қўмитаси томонидан ижтимоий шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш, аҳоли, айниқса, болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган ишлар доимий назоратда.

Шу муносабат билан яқинда Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида жойлашган “Анор” болалар соғломлаштириш оромгоҳига бориб, ёзи дам олиш мавсуми қандай ташкил этилаётганини ўргандик.

Табиатнинг бетақдор гўшаларидан бири ҳисобланган Бў-

стонлиқ туманида жойлашган мазкур оромгоҳ 10 гектар майдонни эгаллаган. Ва бу ҳудудда кўламлизорлаштириш ишлари юқори даражада ташкил этилган бўлиб, мусаффо тоғ ҳавоси, соя-салқин дарахтлар, гулзорлар ва мевалар боғлар болалар учун соғлом муҳит яратиб берган.

Айни пайтда биринчи мавсумда 240 нафар бола дам олмақда. Улар замонавий талабларга жавоб берадиган олтинга ётоқхонага жойлаштирилган, қулай ва хавфсиз шарт-шароит яратилган. Замонавий видеокузатув орқали ҳудуд тўлиқ назоратда, малакали шифокор ва ҳамширалар зарур тиббий хизмат кўрсатмоқда. Олти маҳал овқатла-

ниш ташкил этилган, таомнома болалар организмининг ёш хусусиятлари ва физиологик эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда шакллантирилган. Рационда янги сабзавот ва мевалар, сут маҳсулотлари ҳамда витаминларга бой озиқ-овқатлар кенг ўрин олган. Бундай ёндашув болаларнинг имунитетини мустаҳкамлаб, уларнинг соғлом ўсишини таъминлайди. Жисмоний тарбия ва спортга ҳам катта аҳамият берилган. Замонавий бассейнда болалар мурраббий назоратида мириқиб чўмилмоқда. Футбол ва бошқа спорт турлари бўйича мусобақалар ташкил этилаётгани ёшларнинг бўш вақтига мазмун бағишлайпти. Бу ерда турли халқлар маданияти ва анъаналарини акс эттирувчи сахна либослари жамланган махсус костюмлар фонди ҳам мавжуд. Бу болаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш, уларда бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва маданий меросга ҳурмат туйғуларини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Сафаримиз давомида тарбияланувчилар билан ҳам очик мулоқот ўтказдик. Бу жараёнда ёшларнинг билимга чанқоқлиги ва мамлакат тақдирига дахлдорлик ҳисси юқори эканлигидан қувондик. Умуман олганда, “Анор” болалар соғломлаштириш оромгоҳи фаолияти мамлакатимизда инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизimini мустаҳкамлаш ҳамда давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги ижтимоий шериклик муносабатларини янада ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар самарасининг ёрқин намунаси эканига гувоҳ бўлдик.

Зеро, болалар учун яратилган ҳар бир имконият, уларнинг соғлом ва баркамол вояга етиши учун киритилган сармоя мамлакатимиз келажагига қаратилган энг муҳим инвестициядир.

Екатерина СМЕЦОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
O‘zLiDeP фракцияси аъзоси

КЎНГИЛ ОБОД БЎЛСА...

O‘zLiDePнинг “Халқ билан бирга” умуммиллий лойиҳаси Бахмал туманида ҳам жамоатчилик ўртасида катта қизиқиш уйғотди. Айни пайтда тумандаги 34 та маҳаллада 170 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Сўнгги йилларда барча соҳаларда кенг қўламли ислохотлар амалга оширилиши натижасида халқнинг турмуш фаровонлиги аста-секин ошиб бормоқда.

Бироқ ечимини кутаётган муаммолар ҳам кам эмас. Сенаторлар, маҳаллий кенгаш депутатлари, ҳокимлик, мутасадди ташкилотлар ҳамда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси вилоят кенгаши вакиллари иштирок

Сайёр қабул давомида аҳолини томорқа, солиқ, электр энергияси, ичимлик суви, йўл ва уй-жой қурилишига оид муаммолар ташвишга солаётгани маълум бўлди. Шунингдек, фуқаролар алимент тўловларига оид муаммоларни



этган тадбирда фуқароларнинг 26 та мурожаати атрофида кўриб чиқилди. Улардан 11 таси жойида ижобий ечим топди.

ҳал қилишда ҳам мутасаддилардан амалий қўмак сўрашди. Бундай нозик вазиятда арқонни узун ташлаган халқ ноиблари мутасадди таш-



килот вакиллари билан биргаликда нотинч рўзғорни тиклаш, ажрим ёқасидаги оилаларни яраштиришга эътибор қаратишни лозим топилди. Бу борада нурунийлар, хотин-қизлар фаоллари ва депутатлардан иборат гуруҳ иш олиб борадиган бўлди.

– Ўз номига муносиб бўлган “Халқ билан бирга” умуммиллий дастури доирасида ўтказилаётган тадбирлар самарали ва натижадор мулоқотга айланыпти, – дейди Халқ депутатлари Бахмал туман кенгашидаги O‘zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси Муҳайё Баратова. – Очик, самимий, юзма-юз учрашувлар чоғида аҳоли мурожаатлари тингланиб, уларга ечим изланмоқда.

Дарҳақиқат, ечимини топган ҳар бир мурожаат ортида фаровонлик турибди. Одамларнинг дарадига дармон бўлиш эса инсонийликнинг олий намунаси.

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,
“XXI asr” муҳбири



ЖАРАЁН

#XalqBilanBirga

ИНСОН МАНФААТЛАРИ УСТУВОР

O'zLiDeP томонидан амалга оширилаётган “Халқ билан бирга” умуммиллий дастури мамлакатимизнинг барча ҳудудларида изчил давом этмоқда. Ўтказилаётган сайёр қабуллар шунчаки мулоқот майдони эмас, балки аҳолини қийнаётган муаммоларга ўша жойнинг ўзида ечим топиш, фуқароларнинг таклифларини эшитиш ва уларнинг ҳаётий эҳтиёжларини таъминлашга қаратилган амалий мулоқотдир.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ



“Халқ билан бирга” умуммиллий дастури доирасида Янгийўл туманидаги 2-касб-хунар техникумида бўлиб ўтган учрашувда партия Тошкент вилояти кенгаши раиси Тўлқинжон Файзиев, Халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Канат Текенов ҳамда тумандаги барча масъул идоралар раҳбарлари иштирок этди. Сайёр қабулда сайлов округига кирувчи 17 та маҳалладан 150 нафардан ортиқ фуқаро қатнашиб, ўзларини қийнаб келаётган ижтимоий, коммунал, бандлик, тадбиркорлик ва инфратузилмага оид масалалар юзасидан мурожаат қилишди.



Қабул давомида кўтарилган масалаларнинг аксарияти жойида ўрганилиб, уларнинг ижобий ечими бўйича амалий чоралар белгиланди. Айримлари эса шу куннинг ўзида ҳал этилди. Қўштепалик Н. Файзиевнинг мурожаати асосида унга тикув машинаси топширилди. Эски электр устунларини алмаштириш, маиший чиқинди хизматини йўлга қўйиш ва мактаб атрофида хавфсизликни таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. 5-умумий ўрта таълим мактаби атрофида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш (қўчма йўлчирик ўрнатиш ва ходимларни жалб этиш) масаласи масъулларга йўналтирилди.

Барча ҳал этилиши лозим бўлган масалалар тегишли масъул ташкилотларга топшириқ сифатида юклатилиб, депутатлик назоратига олинди.

– Бизнинг асосий мақсадимиз – халқнинг дардини эшитиб, уларга амалий ёрдам кўрсатиш. Муаммоларни пайсалга солмасдан, жойида ҳал қилиш – фаолиятимизнинг бош мезони, – дея таъкидлади **O'zLiDeP** Тошкент вилоят кенгаши раиси Тўлқин Файзиев. – Аҳамиятли жиҳати шундаки, “Халқ билан бирга” дастури доирасида ўтаётган бу каби амалий учрашувлар фуқароларнинг давлат ва партияга бўлган ишончини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Зухро МИРЗОҲАМДАМОВА,
O'zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши бўлим мудир

АНДИЖОН



Марҳамат туманидаги сайёр қабул Ёшлар кутубхонасида ташкил этилиб, унда вилоят ва туман даражасидаги мутасаддилар, депутатлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Қабулдан аввал маҳаллаларда уйма-уй юриб ўтказилган ўрганишлар натижалари муаммоларни жойида ва тезкор ҳал этиш имконини берди. 45 дан ортиқ маҳалладан 160 нафардан зиёд фуқаро иштирок этган қабулда бандлик, тадбиркорлик, коммунал хизматлар, ер ва кадастр, таълим, соғлиқни сақлаш ҳамда ижтимоий ҳимоя масалалари кўтарилиб, аксарияти жойида ҳал этилди, қўшимча ўрганиш талаб қиладиганлари эса назоратга олинди.



Тадбир давомида эртанги кунимиз эгалари ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар учун кенг қўламли ёрдамлар кўрсатилди. Икки нафар ёшга ҳарбий хизмат учун ҳар бирига 6 млн сўмлик, бир нафар ёшга ҳайдовчилик курси учун 3,28 млн сўмлик ваучерлар, 3 нафар талабага тўлов-контрактлари учун жами 13 млн 280 минг сўмлик ваучер ва сертификатлар топширилди. Эҳтиёжманд оилаларга озиқ-овқат ваучерлари, кийим-кечаклар ва саховат пакетлари тарқатилди.

Сайёр қабулдан сўнг Олий Мажлис Сенати аъзоси Ўттамжон Ахунوف ва депутат Хуршидаҳон Халилова бошчилигидаги ишчи гуруҳ имконияти чекланган фуқаролар хонадонларига кириб, уларнинг яшаш шароитлари билан яқиндан танишди ва хайрия маҳсулотларини топширди.

Ўттамжон Ахунوف,
Халқ депутатлари Андижон вилояти
кенгаши раиси, сенатор:

– Бугун биз шунчаки мурожаатларни тингламаяпмиз, балки уларнинг ечимини учун масъулларни бевосита жараёнга жалб этмоқдамиз. Фуқароларимизнинг муаммоларини жойида ҳал қилиш – давлатимиз сиёсатининг асосий мақсади. Ҳар бир мурожаат ортда инсон тақдири турибди, шу боис ҳеч бир масала эътибордан четда қолмаслиги керак.

Хуршидаҳон Халилова,
O'zLiDeP Андижон вилоят кенгаши раиси ўринбосари:

– Партияимизнинг “Халқ билан бирга” дастури доирасидаги бу учрашувлар амалий натижадорлиги билан аҳамиятли. Айниқса, ёшларнинг таълим ва касб-хунар эгаллашига берилаётган қўмаклар келажакка қўйилган катта сармоядир. Депутат сифатида биз ҳар бир мурожаатнинг ижросини ўз назоратимизга оламиз ва натижаси бўйича албатта фуқароларга ҳисобот берамиз.

САМАРҚАНД



Ургут ва Пайариқ туманларида ўтказилган сайёр қабуллар ҳам фуқароларни уйлантираётган кўплаб муаммоларга амалий ечим бўлди. Мазкур учрашувларда вилоят кенгаши депутатлари, ҳокимлик ва мутасадди идоралар раҳбарлари иштирок этиб, юзлаб фуқароларни тинглашди.

Мана, натижани қаранг: Ургут туманидаги қабулда 300 га яқин фуқаро иштирок этди, 100 дан ортиқ мурожаат келиб тушди. Шундан 50 таси жойида ҳал этилди. Пайариқ туманида 15 та маҳалла аҳолисидан 100 дан зиёд мурожаат қабул қилиниб, 40 дан ортиғига зудлик билан ижобий ечим топилди. Мурожаатларнинг аксарияти газ, ичимлик суви ва электр энергияси таъминоти, ички йўлларни таъмирлаш, кадастр соҳасидаги ҳужжатлаштириш ишлари, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш каби ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид бўлди.



Қабул жараёнида ҳар бир ариза эътибор билан ўрганилди. Жумладан, Ургут туманида фуқаро Мавлуда Дўстованинг ер солиғидаги ҳисоб-китоб хатолиги ва Илёс Меликуловнинг саломатлиги билан боғлиқ масалаларда ёрдам кўрсатиш ишлари бошланди. Пайариқ туманида эса тадбиркорликни кенгайтириш ва ички йўлларни асфальтлаш бўйича фуқаролар таклифлари депутатлик назоратига олинди.

Бу каби сайёр қабуллар давлат идоралари ҳамда халқ ўртасидаги очиқ мулоқотни мустаҳкамлаб, одамларнинг эртанги кунга бўлган ишончини янада оширмоқда. Яъни, ҳар бир мурожаат ортда турган инсон тақдири партия ва депутатларнинг доимий эътиборида.

СУРХОНДАРЁ



Термиз туманида O'zLiDeP “Аёллар қаноти” ва маҳаллий депутатлар ташаббуси билан аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган навбатдаги хайрли тадбир амалга оширилди.

Кўёшли юрт маҳалласида ташкил этилган “Саломатлик сари” акцияси доирасида 110 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаро чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди.



Мазкур акциянинг асосий мақсади аҳоли орасида касалликларни эрта аниқлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламнинг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришдан иборат. “Инсон қадрини учун” тамойили асосида ўтказилаётган бу каби тиббий тадбирлар аҳолининг турмуш сифатини оширишда, айниқса, чекка ҳудудлардаги оилалар учун катта қўмак бўлмоқда.

ХОРАЗМ



Хоразм вилоятида “Фаровон оила” акцияси доирасида хотин-қизлар бандлигини таъминлашга қаратилган амалий ишлар қўламли кенгаймоқда.

O'zLiDeP фаоллари Урганч шаҳридаги “Урганч миллий тикувчилик” корхонаси фаолияти билан яқиндан танишди. Корхона ўзининг ижтимоий масъулияти билан бошқа тадбиркорларга ибрат бўлмоқда. Корхона 4 нафар фуқаро билан иш бошлаб, бугунги кунда 36 нафар юртдошимизнинг бандлигини таъминламоқда. Эътиборлиси, касаначилик асосида 20 нафар ногиронлиги бўлган хотин-қизни ҳам доимий иш ўрнига эга қилди.



Ишчилар учун махсус мослаштирилган хизмат ўринлари ташкил этилган бўлиб, уларга меҳнат қилиш учун барча зарур шароитлар яратилган. Бу каби ташаббуслар хотин-қизларнинг оилавий бюджетини мустаҳкамлаш, уларни жамиятда фаол ўрин эгаллашлари ва ўз имкониятларини намоён этишларига хизмат қилади.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатлами иш билан таъминлаш – тадбиркорликнинг энг олий кўринишидир. Бундай ташаббуслар партиянинг “Халқ билан бирга” дастурининг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади.

СИРДАРЁ



Оқолтин туманида ташкил этилган очиқ мулоқотда O'zLiDeP Сирдарё вилоят кенгаши, вилоят Фермерлар кенгаши, туман ҳокимлиги ва тегишли мутасадди ташкилотлар раҳбарлари иштирок этиб, фуқароларнинг дарду ташвишларини яқиндан тинглашди.

Тиббиёт, кадастр, электр энергияси, ичимлик суви, газ таъминоти ва ижтимоий ёрдам билан боғлиқ 156 та мурожаатнинг 68 таси жойида ҳал этилди. Қолганлари бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланиб, ижроси назоратга олинди.



Сайёр қабул давомида фақат мавжуд муаммолар эмас, балки ҳудудни ривожлантиришга қаратилган муҳим таклифлар ҳам муҳокама қилинди. Хусусан, аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларни касб-хунарга ўқитиш ва малакасини ошириш, ёш мутахассислар учун муносиб меҳнат шароитларини яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

O'zLiDeP ҳудудий кенгашлари маълумотлари асосида
“XXI asr” муҳбири Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА тайёрлади.

70 ХОТИН-ҚИЗ ИШЛИ БЎЛДИ...

O'zLiDeP Марҳамат туман кенгаши “Аёллар қаноти” гуруҳи томонидан “Халқ билан бирга” умуммиллий дастури доирасида амалга оширилаётган “Маҳалланинг ишбилармон аёли” лойиҳаси асосида сермазмун ва таассуротларга бой тадбир ташкил этилди.



Ушбу ташаббуснинг асосий мақсади маҳаллаларда аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигини таъминлаш ҳамда оилавий даромадларни оширишга қўмаклашишдан иборатдир. Тадбир Марҳамат тумани “Али тепа” МФЙ ҳудудида жойлашган “Марҳамат барака чеварлари” масъулияти чекланган жамиятида бўлиб ўтди.

Тадбир давомида чеварлик ва тикувчилик соҳасида эришилаётган амалий натижалар, ишлаб чиқариш жараёнларининг самарадорлиги ҳамда маҳаллий ташаббусларнинг иқтисодий ва ижтимоий таъсири атрофлича таҳлил қилинди. Бугунги кунда бу корхонада замонавий технологиялар асосида трикотаж кийимлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлиб, ушбу йўналишда 70 нафар хотин-қиз доимий иш ўрни билан таъминлангани эътиборга молик.

Ишчи-ходимлар маҳаллий хонашароидан унумли фойдаланган ҳолда футболкалар ва бошқа тайёр трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариб, уларни “Uz cotton” бренди остида ички бозор билан бир қаторда экспортга ҳам етказиб бермоқда. Жумладан, маҳсулотлар Россия Федерацияси бозорига ҳам чиқарилмоқда. Бу эса маҳаллий ишлаб чиқаришнинг рақобатбардорлиги ортиб бораётганини кўрсатади.

“Маҳалланинг ишбилармон аёли” лойиҳаси доирасида ушбу ташаббускор жамоа маҳаллада хотин-қизлар бандлигини таъминлаш,

уларни тадбиркорликка кенг жалб этиш ҳамда хунарамдчилик анъаналарини замонавий ишлаб чиқариш билан уйғунлаштириш борасида намуна сифатида эътироф этилмоқда. Тадбир якунида иштирокчилар томонидан бундай лойиҳаларни янада кенгайтириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш юзасидан қатор таклиф ва тавсиялар билдирилди.

O'zLiDeP Андижон вилоят кенгаши матбуот хизмати

Қарши давлат техника университетидан “ТТ ва сунъий интеллект етакчилари” мавзусида ўтказилган семинар-тренинг ёшлар учун нафақат билим бериш майдони, балки келажак касблари сари йўл очувчи муҳим амалий тадбир сифатида эътироф этилди.



РАҚАМЛИ КЕЛАЖАККА ТАЙЁРМИСИЗ?

Тадбир O'zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши “Ёшлар қаноти” ҳамда Қарши шаҳар кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган бўлиб, асосий эътибор талаба-ёшларнинг рақамли саводхонлигини ошириш, уларни замонавий технологиялар билан ақиндан таништириш ҳамда инновацион фикрлаш маданиятини шакллантиришга қаратилди.

Семинар давомида иштирокчиларга ахборот технологиялари тармоғидаги сўнгги тенденциялар, сунъий интеллектнинг турли соҳалардаги амалий қўлланилиши, шунингдек, рақамли иқтисодиёт шароитида тобора муҳим аҳамият касб

этайтган замонавий касблар ҳақида атрофлича тушунтиришлар берилди. Мутахассислар томонидан рақамли технологиялардан самарали фойдаланиш, мустақил ўрганиш кўникмаларини ривожлантириш ва доимий равишда ўз устида ишлаш зарурати алоҳида таъкидланди.

Тадбирда ёшлар фаол иштирок этиб, ўзларини қизиқтирган саволлар билан мутахассисларга мурожаат қилдилар. Очiq мулоқот ва фикр алмашинуви жараёнида IT соҳасида муваффақиятга эришиш йўллари, инновацион ёғларни амалиётга татбиқ этиш имкониятлари ҳамда рақобатбардор мутахассис бўлиб етишиш

сирлари юзасидан муҳим тавсиялар берилди.

Тадбир якунида фаол қатнашган бир гуруҳ ёшлар ташилотчилар томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди. Умуман олганда, мазкур семинар-тренинг ёшларни замонавий билимларга йўналтириш, уларнинг IT ва сунъий интеллект соҳаларига қизиқишини янада ошириш ҳамда келажакда юқори малакали кадрлар бўлиб етишишларига замин яратиши билан аҳамиятли бўлди.

O'zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши матбуот хизмати

ТАШАББУСКОР АЁЛЛАР КЎПАЙСИН-ДА!

Хоразм вилояти Урганч шаҳрида “Маҳалланинг ишбилармон аёли” танлови ушқоқлик билан ўтказилиб, унда ўзининг фаоллиги, ташаббускорлиги ва меҳнатсеварлиги билан алоҳида ажралиб турган хотин-қизлар муносиб эътироф этилди. Тадбир доирасида энг яхши натижаларга эришган иштирокчилар сафидан Нилуфар Исоқова ва Нафиса Қодирова шаҳар босқичига йўлланмани қўлга киритишга муваффақ бўлди.

минлаш ва оилалар даромадини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Нафиса Қодирова томонидан йўлга қўйилган “Nur Bakery” корхонаси эса маҳаллий бозор эҳтиёжини қоплаш билан бирга, ишлаб чиқариш салоҳиятини ҳам кенгайтирмоқда. Корхонада кунига минг донгача нон ва турли хил пишириқ маҳсулотлари тайёрланиб, аҳолига етказиб берилмоқда. Бу эса бир қатор хотин-қизлар учун янги иш ўринлари яратишини таъминламоқда.

Бугунги кунда маҳаллаларда ана шундай ишбилармон, ташаббускор ва меҳнатсевар аёлларнинг сафлари тобора кенгайиб бормоқда. Мазкур танлов эса хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг тадбиркор-



Нилуфар Исоқова кўп йиллардан буён тикувчилик соҳасида ўзининг изланувчанлиги ва тадбиркорлик салоҳияти орқали обрў топиб, бугунги кунда ўн нафар хотин-қизни доимий иш билан таъминлаб, уларнинг иқтисодий фаоллигини оширишга муносиб ҳисса қўшмоқда. Унинг фаолияти маҳаллаларда аёллар бандлигини таъ-

лик салоҳиятини ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш ҳамда оилалар иқтисодий фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

O'zLiDeP Хоразм вилоят кенгаши матбуот хизмати



“SAYQAL”ДАГИ САВОБЛИ АМАЛЛАР

Фарғона вилоятида фаолият юритаётган “Sayqal” хусусий корхонасида инклюзив муҳитни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишилди.

Мазкур тадбир “Халқ билан бирга” дастури доирасида амалга оширилаётган “Инклюзив жамият сари” лойиҳаси асосида ташкил этилди. Унинг асосий мақсади имконияти чекланган шахслар учун муносиб шарт-шароит яратиш ва уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган амалий тажрибаларни ўрганишдан иборат бўлди.

Учрашувда корхонада йўлга қўйилган ишлаб чиқариш жараёнлари, ижтимоий йўналишдаги ташаббуслар ҳамда яратилган инфратузилма алоҳида эътибор марказида бўлди. Бугунги кунда корхонада 21 турдаги реабилитация ва техник воситалар, шунингдек, 33 хил замонавий

эшитиш мосламалари ишлаб чиқарилиб, аҳолининг эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, корхона инновацион ёндашувларни изчил жорий этиб келмоқда. Жумладан, тошдан қоғоз ишлаб чиқариш каби ноанъанавий ва экологик жиҳатдан ҳам аҳамиятли бўлган янги йўналиш йўлга қўйилгани таъкидланди.

Аҳолига янада қулайлик яратиш мақсадида республика бўйлаб корхонанинг 33 та савдо ва сервис маркази фаолият юритмоқда. Бу эса маҳсулотларнинг кенг оммага етиб боришини таъминлаш баробарида, инклюзив жамиятнинг шакллантириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни қўллаб-қувватлаш ҳамда замонавий реабилитация воситалари билан таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

O'zLiDeP Фарғона вилоят кенгаши матбуот хизмати

ТАКЛИФ

Агросаноатда аутсорсингга эҳтиёж борми?

Сўнгги йилларда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги соҳасида изчил модернизация ва саноатлаштириш жараёни давом этмоқда.

Фермер ва деҳқон хўжаликларини аграр ишлаб чиқаришнинг асосий бўлинига айланиб, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда ҳал қилувчи ўрин эгалламоқда. Шу билан бирга, соҳада замонавий агротехнологияларни жорий этиш, рақамли ечимлардан фойдаланиш ва юқори малакали кадрлар салоҳиятига эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Бугунги қишлоқ хўжалигини агрономия, селекция, тупроқшунослик, агрохимё, ўсимликларни ҳимоя қилиш, чорвачилик, ветеринария, иқтисодиёт ва ҳуқуқшунослик каби йўналишлардаги малакали мутахассисларсиз самарали тасаввур этиш қийин.

Мамлакатда аграр соҳани ривожлантириш учун етарли илмий-тадқиқот салоҳияти ва замонавий моддий-техник база шаклланиб бўлса-да, амалиётда илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш жараёнида қатор тизимли муаммолар сақланиб қолмоқда. Жумладан, агротехнологик хизматлар тизимида кооперация алоқаларининг етарли даражада ривожланмагани, инновацияларни жорий этишнинг самарали ва узлуқсиз механизмлари йўқлиги, шунингдек, илмий-тадқиқот муассасалари билан фермер хўжаликлари ўртасидаги интеграциянинг заифлиги кузатишмоқда. Натижада илғор агро-

технологияларнинг сезиларли қисми хорижий манбалар орқали кириб келмоқда, бу эса миллий аграр тизимнинг инновацион мустақиллигини чеклаб қўймоқда.

Ушбу ҳолатнинг асосий сабаби сифатида аграр соҳада инновацияларни тизимли жорий этишга хизмат қиладиган институционал муҳитнинг етарлича шаклланимаганини айтиш мумкин. Айнан шу боис қишлоқ хўжалигида технологик, консалтинг ва илмий хизматларни кўрсатадиган янги институт сифатида агросаноат аутсорсинг компанияларини жорий этиш зарурати тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу эса соҳада хизматлар бозорини кенгайтириш, билим ва технологиялар трансфери тизимини кучайтириш ҳамда фермер хўжаликларининг рақобатбардорлигини оширишга хизмат қилади.

Агросаноат аутсорсинги ғояси сўнгги йилларда бир қатор республика миқёсидаги илмий-амалий форумлар, инновацион ярмаркалар ва таълим-ишлаб чиқариш ҳамкорлигига бағишланган анжуманларда илгари сурилиб, мутахассислар томонидан катта қизиқиш билан қабул қилинган. Бироқ ушбу тизимни кенг амалиётга татбиқ этишда ягона назарий-методологик асоснинг етишмаслиги, ҳуқуқий-меъёрий базанинг тўлиқ шаклланимагани ҳамда давлат томонидан тизимли қўллаб-қувватлаш механизмларининг йўқлиги жиддий тўсиқ бўлиб қолмоқда.

Аграр соҳада аутсорсинг тизimini жорий этиш ва ривожлантириш давлат органлари, илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари ҳамда хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорлиқни янги босқичга олиб чиқишни тақозо этади.

Бунда ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш, солиқ ва молиявий рағбатлантириш тизимини жорий этиш, ташкилий-ҳуқуқий механизмларни аниқ белгилаш ҳамда инновацион фаолиятни қўллаб-қувватловчи институционал муҳитни шакллантириш муҳим аҳамиятга эга.

Аутсорсинг хизматлари эса илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминловчи энг самарали замонавий воситалардан бири бўлиб, мутахассислар малакасини ошириш, тажриба алмашиш ва инновацион ечимларни амалиётга кенг татбиқ этиш имконини беради. Бу эса аграр соҳада нафақат ишлаб чиқариш самарадорлигини, балки умумий рақобатбардорлик даражасини ҳам сезиларли оширади.



Ориф ШАРИПОВ,
Ўзбекистон Тадбиркорлик ва фермерликни ривожлантириш маркази директори ўринбосари, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди



ЁЛҒОННИНГ ҚИРҚ ОЁҒИ... ҲАҚИҚАТНИНГ БИР ҚУЛОҒИ

Қўшимча томорқамизда етиштирган буғдойни ўрдириб, дони сал намлиги учун офтобга ёйиб, қуришиб юрганымда кўчадан ўтаётган мактаб ёшидаги икки ўқувчи қизнинг ўзаро тортишуви қулоғимга чалинди.

“Ўлибди, мана кўри!”
“Кўрдим, ўзи эмас, жияни автохалокатга учрабди-ку”.
Улар таниқли бир хонанда ҳақида баҳслашаётгандилар.
Тўғриси, мухлиси бўлмасам ҳам, қачонлардир бир-икки қўшиғини эшитганим бор, ўша хонанда бошига не кулфат тушди экан, деб телефон титқиладим. Қарасам, “YouTube”да хонанда пешонасини ушлаб турган сурат ёнламасида “Фалончи бошига оғир

чиқди”, “Манави корхона томонда осмону фаллакка қора қуюқ тутун кўтарилмоқда. Аҳвол ўта кўрқинчли. Дахшат!” сарлавҳалари остида яшин тезлигида тарқаладиган хабарларга, рости, одамлар ҳам энди ишонмай қўйди. Негаки, сал ўтмай бу борада расмий муносабат берилади. Маълум бўладики, қайсидир янги қурилиш томида турган чиқиндилар тасодифан ёниб кетган. Ёнғин зудлик билан ўчирилган, жароҳат олганлар йўқ, талофат кўрилмаган. Ёки бирор дўконда электр симининг

Афсус!
...Бу ҳақда олдин ҳам ёзгандик. Яна ёзишга мажбурмиз. Негаки, бугун бир оғиз ёлғон ортидан минг оғиз тухматни бошлаб келяпти. Эртаю кеч қўлидан телефон тушмайдиган (ёзғи таътил вақтида йигирма беш соат қаршисида михланиб ўтирадиган) ёшлар онги заҳарланишига ҳеч биримиз бефарқ қарашга ҳаққимиз йўқ! “Ёшлиқда олинган билим тошга ўйилган нақш қабидир”, дейилмиш қадим ҳикматга ишонсак, ёшларимиз мияси бугун асл ҳақиқатлар билан эмас, ваҳимали сарлавҳалар ортига яширинган сохта ёлғонлар билан тўлмоқда. Тўлдирилмоқда!
“YouTube” ёки “Facebook” тармоғида турли подкаст ва яна аллақандай ёйинлар узоғу яқин тарихимиз борасидаги кўрсатувларга тўлиб кетган. Бугун бир юмалаб тарихчига ай-



жудолик тушди!” деган ваҳимали сарлавҳа қўйилган экан. Салкам ўн беш дақиқага чўзилган видеолавҳани охиригача кўришга мажбур бўлдим. Негаки, ваҳимали шов-шув кўтарган блогер бирор ўн дақиқа ўша хонанда ҳаёти, ижодидан узук-юлуқ маълумотлардан ҳазин товушда нутқ ирод қилган ва охирида (ора-орада ҳар дақиқада икки марта “Лайк босинг! Ҳозир хабарнинг энг дахшатини эшитасиз!” деб замзама ҳам қиларди) ўша инсоннинг жияни автохалокатда жароҳат олгани, шифокорлар унинг ҳаётини сақлаб қолиш учун курашаётгани, бечора хонанда ақинлари билан шифохона олдида ўтиришгани ҳақида айтди, холос...

Журналистнинг ахборот тарқатишини меъёрга солувчи қонунлардан беҳабар бу сохта блогернинг ушбу чиқишидан кўзлаган асосий мақсад бетайин канали обуначилари сонини ошириш, “лайкбозлик” мусобақасида “ҳамкасблар”идан ўзиб кетиш. Ахборотнинг нухилислиги, ёлғонларга қоришгани уни мутлақо қизиқтирмайди. Бу ёқда ақинлари, танишлари, мухлислари не куйга тушди, мутлақо иши йўқ. Ҳатто ўзи тарқатаётган хабарни жойида ўрганмаган. Ўрганганида эди, ҳалиги бемор “ҳаёти учун курашаётган” шифокорларга микрофон тутар, ақинлари дардига қулоқ осарди. Йўқ, у арзонгаров обрў қозониш учун ҳозирда медалимайдонда русумга кирган усуллардан фойдаланган, холос. Ўша ҳодиса ҳақида кимлардандир эшитган, расмий идоралар томонидан бериладиган ҳуқуқий маълумотларга эга ҳам эмас...

Шу каби ваҳимали, шов-шувли хабарларга қунора демаймиз, ҳафтада бир марта кўзимиз тушади. Сўнг тегишли идоралар тарқатган расмий муносабатларни ўқиб, анча енгил тортамиз, йўқ жойдан тўфон кўзгаган блогер ёки ижтимоий тармоқнинг ҳаваскор кузатувчисининг ёқасидан олишга улгурмаймиз. Бу пайтда у яна бир “шов-шув”ни орқалаб ижтимоий тармоқларни чангитиб юрган бўлади.

Ахборот асрида яшашимиз. Бугун ер шарининг энг узоқ чеккасида содир бўлган воқеа бир лаҳзада бутун дунёга ёйинланади. Яна денг, бирор ҳодисани бир эмас, икки эмас, дуч келган ўнлаб блогерлар бир вақтда тарқатади. Бирини айтилган гап иккинчисига тўғри келмаслиги гўрга, ҳатто воқеа жойи, шахслар исми-шарифлари чалкаш-чулкаш бўлиб кетаверади.
“Фалон бозор яқинида дахшатли ёнғин

қисқа туташувидан ёнғин келиб чиққан ва шу заҳоти хавф бартараф этилган. Бу ёқда эса...
Кўрқинчли сарлавҳалар билан тарқатилган хабар тезкор тарқайди, қулоқдан қулоққа ўтади ва сўнгги эшитувчига “бутун бозор ёниб кул бўлгани, кўп қаватли турар жой кулаб тушгани, талафотлар кўплиги, аниқлик кири-тилаётгани” тарзида етиб келади.

Одамзоднинг яхши хабардан кўра ёмон хабарга ўчлиги бор. Буни руҳшунослар “синдром” деб аташади. Ижтимоий тармоқда ёйинланган яхши хабар ёки қай бир буюгимиз қаламга мансуб мумтоз шеърни икки соат ичида кўпи билан ўн-беш киши ўқиб, маъқуллаб, ҳайратлангани ҳақида муносабат қолдирса, юқоридаги каби нохуш (ярим ёлғон) хабарларни қисқа вақт ичида юз минглаб одам кўради, яна шунча муносабат қолдирилади. Шундай пайтда ҳаётда ўз ўрнини тополмаган аламзада кишиларнинг “кетмони учади”, улар кичик бир техноген воқеа (айтайлик, қайсидир қурилиш иншоотида зина кулаб тушгани)дан оламшумул фожиа ясашга ўтишади. Ажабланарлиси, ҳув узоқ бир туманда рўй берган шунга ўхшаш воқеа учун “хукумат раҳбарлари айбдор”га айланади. Қай бир оғзи шалоқ раҳбарнинг қўл остидагиларга бурнидан баландроқ гап айтгани учун унинг пойтахтда ўтирган вазири... боринги, давлат раҳбарига тош отишлар бошланади.

...Ҳалиям ёдимиздан кўтарилмади: яқиндагина пойтахтда ўқитувчи ва ўқувчи орасида рўй берган жоржор салкам икки ҳафта ижтимоий тармоқларда айланавериб сийқаси чиқиб кетди. Икки ишлар тизимидагилар бу масалага ҳуқуқий баҳо берган, асл воқеа тафсилотлари акс этган видеолавҳалар ёйинланган бўлишига қарамасдан ёлғон ва ҳақиқат ўртасидаги баҳс давом этаверди. Бу баҳсда воқеа иштирокчилари бир четда қолиб, ижтимоий тармоқ кузатувчилари бир-бирларининг ёқасидан олишди. Бозори ўқувчига асаблари дош бермай урилган бир мушт тарафқашлар томонидан ҳақиқий ринг жангига айланди: йиртилмаган ёқа қолмади, қабрдаги ота-оналари сунялари ҳам “асландин”. Бу жараёнда аламзада кимсаларнинг қуни туғди, қора юраклари тубида сақлаган иллатларини юзга чиқаришди, тизимда бир умр ҳалол ишлаб келаётган, фидойи муаллимлар юзига тупроқ сочишди. Ўстоз мақомидаги муаллимларни менсимасдан “малим” деб устидан қулган нокасларни айтин!

ланганлар кам эмас. Фалон шахснинг қайси миллатга дахлдорлиги борасидаги гап-сўзларининг ёлғону чинлигини ойдинлаштириш, тўғриси, мушкул бўлмай қолди. Мумкин бўлмай қолди! “Саман” билан “сомон” сўзи шунчаки бир-бирига ўхшашми, тасодифми... бу ҳақда тилшунослар эмас “диван экспертлари” хулоса беришяпти. Миллат атамаси аслида “ўзбак”ми ёки “ўзбек”лиги ҳақидаги баҳсу мунозаралар бирор беш йилки тўхтамаяпти. Тўхташи ҳам дарғумон.

Кеча ва бугун юртимизда рўй берган ва бераётган воқеа-ҳодисалар, ислохотлар самараси манзаралари нотўғри талқин қилиниши ва ҳатто тўғридан-тўғри тухматларга ўралган ҳолда тарқалиши ортида чет элларда ватангадо бўлиб юрганлар астойдил бел боғлашганини тушуниш ва уларга қўл силташ мумкин, аммо уларга ишонган ва эргашган кўзи кўр, қалби моғор босган кимсалар ҳам оз эмас-да орамизда. Энг ёмони шу аслида!

...Икки ойча аввал Ўзбекистон халқ шоири, зукко тарих билимдони Хуршид Даврон билан бир пиёла чой устида гурунглашиб қолганимизда афсусланиб шундай деган эди: “Тарих – таърифга айланди. Ҳар ким ўзича тарихга таъриф бериб ётибди. Бугун ижтимоий тармоқни (аслида, “тармоқ” эмас “тарқоқ”, яъни тумтароқ майдон) қосиб кетган “тарихчилар” туфайли ўтмиш ҳақиқатларни бир уюм сомон ичидан игна ахтаргандек излашга мажбур бўляпмиз. Минг машаққат билан топиб, асосли мақола ёзиб, уни бирор газе-та ёки журналда чоп қилдирарсиз, аммо бу вақтда яна юзлаб ёлғонлар тарқаб кетган бўлади. Асл тарихчиларнинг умри шу тахлит “қум уюми ичидан игна излаш” билан ўтиб кетаверади...”

“Ҳақиқат этигини кийгунча, ёлғон дунёни икки марта айланиб чиқади” деган машҳур ибора ҳамон изтеҳзо маъносидеда ишлатилади. Атрофимизни ўраб олган “ўргимчак тўри” мисол бугун тарқатилётган ёлғонларнинг қирқ оғғи борки, қадам босиши ҳам шартмас. Бу оёқлар ҳар биримизнинг ёнимизда, чўнтагимизда, иш столимизда турибди. Ҳақиқатнинг қулоғи эса атиги биттагина... унгаям баъзида бефарқлик пахтаси тикилган.
Огоҳ бўлайлик, азизлар!

Рўзимбой ҲАСАН,
“XXI asr” мухбири

ЭЪТИБОР ВА ЭХТИРОМГА МУНОСИБ

Мамлакатимизда ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, муносиб меҳнат ва ҳаёт шароитларини яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Айниқса, кўзи оғир ва заиф кўрувчи инсонларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг жамият ҳаётида фаол иштирок этиши учун кенг имкониятлар яратилмоқда.

1932 йил 15 июнда ташкил этилган Ўзбекистон кўзи оғирлар жамияти бугунги кунда кўриш бўйича ногиронлиги бўлган 60 мингдан ортиқ фуқарони бирлаштирган йирик жамоат ташкилоти сифатида фаолият юритмоқда. Жамиятнинг республика бўйлаб ҳудудий бўлим ва бўлинмалари орқали аъзоларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилиниб, ижтимоий қўллаб-қувватлаш ишлари амалга оширилмоқда.



– Кейинги йилларда давлатимиз раҳбарининг тегишли фармон ва қарорлари асосида тизим фаолияти янги босқичга кўтарилди, – дейди **Ўзбекистон кўзи оғирлар жамияти раиси Эргаш НОРПУЛАТОВ**. – Жамиятимизнинг илгари хайрия маблағлари ҳисобидан иш юритган ҳудудий бўлинмалари бугунги кунда давлат субсидиялари билан таъминланиб, юзлаб янги иш ўринлари яратилляпти. Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди кўмағида марказий бошқарув, 14 та ҳудудий бўлим ва 198 та маҳаллий бўлинмада штат бирликлари ташкил этилиб, ходимлар доимий маош билан таъминланиб келмоқда.



Жамият тасарруфидаги ўқув-ишлаб чиқариш корхоналарида ҳам катта ўзгаришлар кузатишмоқда. Илгари асосан матрас, шолча ва чўтка ишлаб чиқариш билан шуғулланган корхоналар бугун тадбиркорликнинг турли йўналишларини ўзлаштирмоқда. Хусусан, “Дизайн Принт” корхонасида брайль алифбосидаги китоблар ва босма маҳсулотлар наشر этилиб, ўнлаб кўзи оғир фуқаролар меҳнат қилмоқда.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида ҳам кейинги йилларда қатор муҳим ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонун ҳамда БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси ратификация қилинди. Бу эса соҳадаги ислохотларни янги босқичга олиб чиқди.

Ўзбекистон кўзи оғирлар жамияти моддий қўллаб-қувватлаш билан чекланиб қолмасдан, маънавий-маърифий соҳада

ҳам кенг қўламли ишлар олиб бормоқда. “Ораста қизлар”, “Энг яхши китобхон”, “Брайль саводхонлиги”, “Янги Ўзбекистоннинг ибратли оиласи”, “Инглиз тили саводхонлиги” каби кўрик-танловлар иқтидорли ёшларни кашф этиш ва рағбатлантиришга хизмат қилмоқда.

Жамият халқаро ҳамкорлиқни ҳам изчил ривожлантириб келмоқда. У Бутунжаҳон кўзи оғирлар уюшмаси ва Осиё кўзи оғирлар уюшмасининг аъзоси ҳисобланади. Қозғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркменистон, Туркия, Россия ва бошқа давлатлардаги ҳамкор ташкилотлар билан тажриба алмашинуви йўлга қўйилган. Шу мақсадда Тошкент шаҳрида “Янги даврда, Янги Марказий Осиёда – бирдаммиз!” шиори остида халқаро саммит ўтказилиб, минтақа давлатлари вакиллари иштирок этди. Тадбир доирасида кўриш бўйича ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий ҳимояси, реабилитацияси ва интеграцияси масалалари атрофича муҳокама қилинди.

Бугун мамлакатимизда кўзи оғир инсонлар учун замонавий смарт кутубхоналар ташкил этилмоқда. Уларда овозли йўналтиригилар, электрон каталоглар, лингафон хоналари, тил ўрганиш ва касбга йўналтириш курслари йўлга қўйилган. Бу имкониятлар кўриш қобилияти чекланган ёшларнинг ахборот технологияларини пухта ўзлаштиришига хизмат қилмоқда. Натижада “Мухлиса” овозли синтезатори, “Braille Keyboard” каби дастур ва иловалар яратилмоқда.

Спорт соҳасида ҳам кўзи оғир спортчиларимиз юксак натижаларни қўлга киритмоқда. Жорий йил май ойида Туркиянинг Аланя шаҳрида ўтказилган шашка бўйича жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси 3 та олтин, 4 та қумуш ва 5 та бронза медални қўлга киритиб, жамоавий ҳисобда биринчи ўринни эгаллади. Бу ютуқлар мамлакатимизда ногиронлиги бўлган шахсларга қаратилаётган юксак эътиборнинг амалий самарасидир.

Қувонарли жиҳати шундаки, мамлакатимизда яратилган имкониятлар халқаро ҳамкорларнинг ҳам эътиборини тортмоқда. Хитойнинг “AMC Industrial Development Company Limited” компанияси билан ҳамкорлик доирасида янги ишлаб чиқариш лойиҳалари амалга оширилиши режалаштирилган бўлиб, бу кўзи оғир фуқаролар бандлигини янада оширишга хизмат қилади.

Жамият раҳбарияти томонидан

республика бўйлаб сайёр қабуллар ўтказилиб, жойлардаги муаммолар ўрганилмоқда ва босқичма-босқич хал тилимоқда. Шунингдек, “Янги Ўзбекистоннинг ибратли оиласи” каби республика танловлари орқали кўриш бўйича ногиронлиги бўлган фуқароларнинг ижтимоий фаоллиги ва оилавий кадриятлари кенг тарғиб қилинмоқда.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда кўзи оғир инсонларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган эзгу ишлар амалий натижасини бермоқда. Энг муҳими, бу ғамхўрлик ва эътибор инсон қадрини улуғлаш, ҳар бир фуқаро учун тенг имкониятлар яратишдек олий мақсадга хизмат қилмоқда.

Турдиали НОРМАТОВ,
Ўзбекистон кўзи оғирлар жамияти ахборот хизмати раҳбари

О‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси партия Қашқадарё вилояти кенгаши ташкилий-кадрлар ва бошланғич партия ташкилотлари билан ишлаш бўлими мудир
Шаҳзод Ориповнинг
вафоти муносабати билан оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

ЧИН МУҲАББАТ ҚИССАСИ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ ОДИЛ ЁҚУБОВНИНГ УМР ЙЎЛДОШИ МАРЯМ АЯ БИЛАН СУҲБАТ

Давоми. Боши ўтган сонда.

– Ҳар қандай буюк асар ортида ёзувчининг қатъий кундалик интизоми ва ўзига хос меҳнат маданияти ётади. Одил Ёқубовнинг иш тартиби, одатлари ва ижодхонаси ҳақида гапириб берсангиз. У киши асарларини қандай шароитда қоғозга туширар эди?

– Одил ака ишлаш учун алоҳида жой танламасди. Бир парча қоғоз ва осойишталик бўлса, бас. Агар иш столининг чангини артиш ёдимдан чиққан бўлса ҳам, менга танбеҳ бермай, ўзлари ҳафсала билан артиб олаверарди.

Унинг қатъий кун тартиби бор эди: тонгги соат бешда туриб, бадантарбия қилар, асалли илиқ сув ичиб, албатта соқолларини тоза қиртишлаб, сўнг иш столига ўтирарди. Дам олиш кунлари ҳам, кўчага чиқмайдиган кунлари ҳам бу одат қанда бўлмасди. “Ёзувчи яхши асар ёзиши учун жисмонан ва маънан бақувват бўлиши керак”, дерди доим.

Эрта тонгдан то соат саккизгача бўлган вақт у киши учун гоёат муҳим эди. “Тонгда асаблар ором олган, ақл пешланган бўлади”, дея ўта зарурат бўлмаса, наҳорги ошларга ҳам деярли бормасди. Саҳармардондаги ижоддан сўнг қораламаларни машинкада териш учун менга қолдириб, ўзлари ишга кетарди. Адибнинг сиёҳи қуриммаган асарларини биринчилардан бўлиб ўқиш мен учун энг катта завқ эди. Одил Ёқубов университет рус филологиясини, мен журналистика факультетининг ўзбек филологиясини тугатган эдик. Баъзи сўзларнинг, гапларнинг маъносини тўғри ишлатиш учун менга маслаҳат соларди.

Ёзувчи бир жойда ўтиравермаслиги керак, деб кунига икки-уч чақирим пиёда юришни ҳам қанда қилмас, сайр пайтида ҳам ҳаёлан асарларини пиштиб оларди. Ижарада ва тор уйларда яшаган кезларимиз бола-чақанинг қий-чуви, меҳмонларнинг кўплиги сабабли уйда ишлашнинг иложи йўқ эди. Шунинг учун Одил ака аксарият асарларини Алишер Навоий номидидаги ёки университет кутубхонасида ёзган. Бир гал бунга гувоҳ бўлган Абдулла Қаҳҳор хайратланиб: “Эй Одил, ёзувчи деган жонивор кутубхонада ҳам китоб ёзадими?” деганида, уйда шароит йўқлигини айтишга ийманган Одил ака: “Кутубхона одамни интизомга қақиради, бирор маълумот зарур бўлса, керакли китоблар қўл остида бўлади”, деб вазиятдан чиққан экан...

Аслида бу одат у кишига талабалик йилларидан мерос эди. Ушанда ҳам ётоқхонанинг шароитини ҳисобга олиб, дарсдан сўнг буш аудиторияларда ўтириб ижод қиларди. Одил ака керак бўлиб қолса, дўстлари уни албатта ўша ердан топишарди.

– Одил Ёқубовдек улуг адибнинг хонадонида фарзанд тарбияси, хусусан, уларнинг орзу-хавасларини рўёбга чиқариш масаласи қандай кечган? Одамлар орасида “Машҳур ёзувчиларнинг қалам ҳақи жуда юқори, улар тўкин ва бадавлат яшайди”, деган тасаввур ҳозир ҳам бор...

– Олтиминчи йиллар охирида магнитофонлар энди урфга кира бошлаган пайтлар. Болаларимиз ҳам бу янгиликка қизиқиб, бир кунни дадасининг хуш кайфиятидан фойдаланиб, ўн ёшли Искандарни элчи қилиб киритишди. У магнитофон олиб беришни сўраганида, Одил ака: “Айт-чи, қайси кўшнингнинг боласида магнитофон бор?” дея рад этади. Бироқ фарзандларининг ранжиганини сезиб, бир ҳафтадан сўнг энг арзон магнитофонга етадиган пул бергани эсимда.

Бундан илҳомланган Искандар орадан вақт ўтиб, акалари номидан велосипед сўраб кирибди. Бу сафар Одил ака жиддий аччиқланиб: “Яқиндагина магнитофон олиб бердим. Қайси кўшнингнинг боласида велосипед бор? Ёзувчининг боласида бор-у, менда йўқ, деган фикр уларни ўкситмайдими?” деди. Она сифатида болаларимга ҳамма нарсани муҳайё қилгим келса-да, уларни сабрли бўлишга қақиршига мажбур эдим.



Ниҳоят, орадан бир йил чамаси вақт ўтиб, “Улуғбек хазинаси” асарининг қалам ҳақи ҳисобига ҳовлимизга биринчи велосипед кириб келди. Бутун кўчамиз болалари навбатга туриб минишар, у киши эса велосипедни ҳамма ўртада баҳам кўраётганидан жуда мамнун бўларди. Одил ака катта романнавис бўлганлари учунми, кўпчилик, ҳатто қариндошларимиз ҳам бизни жуда бадавлат оила деб ўйларди. Баъзи танишлар: “Ака катта ёзувчи, китобларига, таржималарига бир дунё пул олсалар керак, лекин сиз ҳеч билдирмайсиз”, деб сўраб қолишарди. Мен бундай пайтларда гапни чўзмай, суҳбат мавзусини бошқа томонга буриб юборардим.

У кишининг ўзлари ҳам оилада, болалар олдида қалам ҳақи ҳақида умуман гапирмасди. Гоҳида гонорар олгани мени ёки болаларни юборар, агар маблаг кўпроқ чиқса, омонат дафтарчасига ўтказиб, уни панароқ жойга олиб кўярди. Ўша вақтлар ҳисобидаям, бугунги ҳисобдаям дафтарчаларида катта пулнинг ўзи бўлмаган. Ҳамма гап бориға қаноатланиб яшашда бўлган. Қаламқашларнинг муқим иш жойидан оладиган ойлик маошлари кўп эмасди. Асарларнинг босма табоғига қараб олинадиган қалам ҳақи эса маошларига қўшилиб, ойлик даромадлари ҳисобланар, ундан турли бадаллар тўланарди. Даромад қанча юқори бўлса, тўланадиган бадал ҳам шунча юқори эди. Кўриб турибсизки, катта қалам ҳақидан бадал ҳам катта бўлган.

Одил аканинг магазинга ёки бозорга тушганларини ҳеч эслай олмайман. Бунга кетадиган қимматли вақтларини фақат ижодга сарфлар, бу каби рўзгор ишларини бутунлай менга ишониб топширган эди. Йиллар ўтса-да, қадди-қоматлари аслича сақлангани учун битта костюм ва битта пальтонни 10-15 йил ечмай кияверарди. Бошида ўша-ўша битта шляпа, бўйнида битта галстук бўларди. Фарзандлар улғайгач, отасига ёски кийимларини назарда тутиб: “Дада, сизам бошқа кўйлак, бошқа галстук ва плаш кийин”, дейишса, у киши кулиб: “Мени биров куёв қилармиди?” деб кулиб кўя қоларди.

“Инсонга кўп нарса керакмас. Ҳаёт кечирishi учун хотиржамлик ва қулайлик бўлса, бас!” деган сўзлар уларнинг асосий қолбидаси эди. Хуллас, ўзлари яратган қаҳрамон – Мирзо Улуғбек тили билан айтганда, у киши учун бир бурда нон ва бир қумғон сув бўлса, кифоя эди.



– “Муқаддас” қиссасига келган мактублар бир қоп бўлгани ростми?

– Оилавий ҳаётимиз ширин ташвишлар билан ўтар, мен рўзгор ва меҳмон кутиш билан банд бўлсам, Одил ака янги асарлар устида ишларди. 50-йиллар охири – 60-йиллар бошларида у кишининг “Севги қиссалари” туркумидаги бир қатор асарлари дунёга келди. Улар орасида Одил аканинг талабалик йилларидаги кузатувларининг акс-садоси бўлмиш “Муқаддас” қиссаси ҳам бор эди.

Агар сохта камтарликни йиғиштириб айтсам, бу асар ёшлар ўртасида жуда катта баҳс-мунозараларга сабаб бўлган. Бизга ёмғирдай ёғилган хатларнинг саногии йўқ эди. Гоҳида юз-икки юзталаб талабалар имзо чеккан мактубларда: “Шарифжон билан Муқаддас топишадими?”, “Илтимос, Муқаддас Шарифжонни кечирсин!” деган хавотир ва ўтинчлар битилганди. Энг қизиги, бир гал Одил ака Бекобод металлургия заводидан келган бир даста хатни кўтариб келди. Қиссада Муқаддас шу заводга ишга кетганига ишора бор эди. Асар таъсирига тушиб қолган соддадил китобхонлар қаҳрамонларни реал инсонлар деб ўйлаб, бевосита завод раҳбариятига хат йўллашган экан!

Одил аканинг илтимоси билан бу мактубларни алоҳида йиғиб борганман ва улар ҳақиқатан каттагина бир қоп бўлганди. У киши шунда: “Соддадил китобхонларнинг кўюнчақлик билан ёзган бу хатлари мен учун танқидчиларнинг том-том мақтовларидан кўра азийроқ”, деган эди...

– Одил Ёқубов ижодининг чўққиларидан бири, ўзбек тарихий романчилигининг нодир намунаси бўлган “Улуғбек хазинаси” асари қандай шароитда дунёга келган? Одатда тарихий асар ёзиш учун сокинлик ва чуқур диққат-эътибор талаб этилади. Сизларнинг сергавжум оилангизда бу жараён қандай кечган?

– “Улуғбек хазинаси”нинг ёзилиш жараёни ва ўша пайтдаги машаққатларни эсласам, чуқур хаёлга толаман. Чилонзордаги икки хонали “дом”имиздан сўнг мана шу ҳовлимизга кўчган эдик, тасаввур қилинг, ҳовлимизда ўзи-

миз ва қариндошларимизнинг ўн ёшдан икки ёшгача бўлган 7 нафар ўғил болалари жамланган. Уларнинг югуриб-чопиши, ўзаро кураш тушиб қиладиган тўполонларию бақир-чақирлари доим авжида эди. Уларга “жим бўлинглар” деган гап умуман таъсир қилмасди.

Ичкарида эса шунча шовқинга қарамай, тарихий асар устида тинимсиз иш борарди. Одил ака қаҳрамонлар қиёфаси, тил услуби ва тарихий руҳга жиддий эътибор қаратиб, қўлёзмани ҳам, машинкада терилган нусхаларни ҳам қайта-қайта кўриб чиқарди. Шу боис бу улуг асар нафақат Одил аканинг, балки бутун оиламизнинг, ҳатто ўша шовқини билан ҳисса қўшган болаларимизнинг ҳам умумий фарзанди десам янглишмайман. Мирзо Улуғбек ҳаётининг энг заковатли ва фожиали қисмини камраб олган бу асар жуда машҳур бўлиб кетди ва дунёнинг 47 тилига таржима қилинди. Умуман, Одил аканинг асарлари экран ва сахналарда ҳам узоқ яшади. “Улуғбек хазинаси” ва “Диёнат” романлари асосидаги беш қисмли телевизион спектакллар Ўзбекистон телевидениесининг олтин фонидан мустаҳкам жой олди. Москвада “Диёнат” бўйича икки серияли бадиий фильм суратга олинган бўлса, жами 14 та асари асосида киноповесть ва видеофильмлар яратилган. Шунингдек, ёзувчининг асарлари кўплаб МДҲ мамлакатларида радиопостановка қилинган.

– Машҳур адибнинг хонадонидан мухлислар, меҳмонлар аримаслиги табиий. Шунча одамни кутиб олиш, ҳам уларнинг кўнглини топиш, ҳам Одил аканинг ижодга ажратган қимматли вақтини тежаш осон кечмагандир. Ўша сершовкин кунлар, хонадонингизнинг ўзига хос меҳмон кутиш одати ва уйингизда жам бўладиган улуг ижодкорлар ҳақида гапириб берсангиз.

– Ҳар бир янги асар дунё юзини кўргани сайин мухлислар сафи ҳам кенгайиб борарди. Эшигимиз доим очик, Ўзбекистоннинг турли вилоятларию қўшни давлатлардан меҳмон келмаган кун деярли бўлмасди. Кўпчилик кира-кирмас Одил акани макташга тушарди. Лекин у киши бундай ҳамду саноларни унча хушламасди. “Э, бунақа гапларни қўйинг, дўстим, қўлдан келганча нимадир қораладим, маъқул келган бўлса хурсандман”, дея гапни қисқа қиларди.

Одил ака меҳмонни ёмон кўрмасалар-да, турнақатор келган одамлар билан бўлиб, беҳуда кетаётган вақтларига ачинишлари юзларидан билиниб турарди. Шунга қарамай, доим “Меҳмонларга тузукроқ овқат қилинг”, деб тайинларди. Одил аканинг вақтини тежаш ва меҳмонларни тезроқ кузатиш учун ўзимга жуда қулай йўл топгандим. Бўш вақтимда бозорга тушиб, яхши гўшт ва ун олардим-да, майда чучваралар тугиб, норин хамирини кесиб, музлатчига тайёрлаб кўярдим. Меҳмон келиб, бир-икки пиёла чой ичгунича, тезда чучвара ёки норинни дастурхонга тортардим.

Одил акани йўқлаб келадиганлар орасида Шукрулло, Пиримқул Қодиров, Саид Аҳмад, Асқад Мухтор, Абдулла Орипов, Ўткир Ҳошимов, Шукур Холмирзаев, Тоғай Мурод, Усмон Азим, Эркин Аъзам каби ўзбек адабиётининг кўплаб ёрқин намоёндалари бор эди. Улар уйимизга тез-тез келиб, менинг тайёрлаган таомларимдан баҳраманд бўлишган. Шундай пайтларда раҳматли Саид Аҳмад ака: “Аслида сизни кўргани келганимиз йўқ, Одижон! Марьямхоннинг “фирменний” чучвараларини соғинганимиздан эшик қоқиб келдик”, деб ҳазиллашарди.

Чингиз Айтматов ҳам турмуш ўртоғи Майрамхон билан хонадонимизда бир неча бор меҳмон бўлган. Икки улуг адиб рус тилини мукаммал билса-да, доим ўзбек ва қирғиз тилида суҳбатлашарди. Майрамхон жуда гўзал ва дилбар аёл эди. Биз у билан ижодкорнинг ёри бўлиш машаққати ва қувончи ҳақида узоқ дардлашардик. Бир гал Чингиз аканинг айтган сўзлари ҳамон қулоғим остида жаранглайди: “Адил! Кечроқ бўлса ҳам “Муқаддас”ни ўқидим. Менинг “Жамила”м ва “Сарвқомат дил-

барим” эртароқ рус тилида қикди. Агар сенинг “Муқаддас”инг аввалроқ чиққанда сен мендан ҳам машҳур бўлиб кетардинг. Лекин сенинг “Улуғбек”инг нафақат ўзбекнинг, балки барча туркий халқлар, ҳатто жаҳон адабиёти хазинасидан жой олди!”

Бу хонадонда Мустай Карим, Қайсин Қулиев, Азиз Несин, Абдуҷамил Нурпеисов, Мухтор Шоҳонов каби улуг ижодкорлар ҳам азиз меҳмон бўлишган.

– Ташқаридаги шиддатли ва қаттиққўл адиб уйда – фарзандлар, набиралар даврасида қандай инсон эди? Бу оилада қандай анъаналар бор эди ва устозининг ҳаётда амал қилиб, фарзандларига мерос қолдирган энг асосий ҳаётий тамойили, шиори нима эди?

– Ишонасизми-йўқми, у киши фарзандларимизга “дўстим” дея мурожаат қиларди. Ҳар бир боламиз туғилганда терисига сигмай қувонар, уларнинг тили чиққанида айтган сўзларини такрорлаб юрарди. Ижоддан ортиб, фарзандлар таълим-тарбиясига ҳам алоҳида эътибор қаратарди. Улар ҳам оталарининг ишончини оқлаб, ўзбошимчалик қилмасдан, бурчларини бажаришарди. Чунки олий таълим олиш, қайси касбни танлашни уларнинг ўз хоҳишига қўйиб берган эдилар. “Ижодга салоҳият туғма бўлиши керак. Бошқа касбни ўқиш-ўрганиш, тажриба орттириш билан эгалласа бўлади. Лекин қалам тебратиш бундан мустасно”, дердилар. Фарзандларимизнинг ўзларида у қадар хоҳиш бўлмаса-ю, биз уларни адабиёт соҳасига йўналтирсак, яхши натижага эришолмай қолишларидан қўрқарди.

– Бугун Одил аканинг хонадонларига кирмиш ҳар бир инсон у кишининг руҳини, нафасини ҳис қилади. Сиз устозни энг кўп соғинган дақиқаларингизда уларнинг қайси одатларини, сўзларини кўмсайсиз ва у кишидан қолган энг қадрли, хотирангизни уйғотувчи буюм қайси?

– Тақдирим Одил акадек бағрикенг, диёнатли ва ижодкор инсон билан боғлангандан бахтиёрман. Ижодкор билан яшашнинг ўз қийинчиликлари бўлса-да, у киши мард, ғурурли, қатъиятли ва шу билан бирга меҳрибон инсон бўлганликлари сабабли бу машаққатларни енгиб ўтиш бизга қийин кечмади. У киши ҳаммаша кўнглимга қарар эди. Ярим асрдан зиёд давом этган турмушимизда бир-биримизга суянач бўлиб, жуда бахтли ҳаёт кечирдик. Хизмат сафарларидан юборган хатларини қайта-қайта ўқиб оттирган тонгларимдан, фарзандларимни бағримга босиб йўлларига кўз тиккан кунларимдан мингдан-минг розиман. Бугун бағрим отасининг келбатини, савлатини ва ақл-идрокини кўз ўнгимда намоён этиб турган азамат ўғилларим (Мурод ака – шу йил қизда етмиш ёшга тўлади, Рустам ака – 68 ёшда, Искандар – 2023 йил дунёдан ўтди, Малик ака – 63 ёшда, турли касбларини эгаллашган – Н.Э.), қўша-қўша неварачеваралар билан тўла.

Одил ака ҳар бир янги китобининг илк нусхасига дастхат ёзиб, менга совға қилар эди. Улардан бирида: “Марям, узоқ йўлга тушган йўловчининг ишончли йўлдоши бўлиши керак, сенга мен ва менинг асарларимдан яхши йўлдош топилмаса керак”, деган сўзлар битилган эди. Дарҳақиқат, бугун шу ёшимда ҳам Одил аканинг қиройли безатилган китобларидан кўра, ўз қўллари билан битган қўлёзмаларини ва ўша дастхатларини қайта-қайта ўқигим келаверади. Улар мен учун жудаям қадрли ва энг қиммат совғалар. Чунки ўша хусниҳатлар ортидан у кишининг қалам ушуга тўла қўлларини, ўйчан кўзларини ва меҳрга тўла қалбларини кўргандек бўламан. Яхши инсонларни унутиб бўлмайди!

“XXI asr” мухбири
Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА суҳбатлашди.

МУАССИС: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI –
O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахрир хайъати:

Ақтам ХАЙТОВ
Бахтиёр ЯКУБОВ
Сирожиiddин САЙИЙД

Дилшод ШОУМАРОВ
Равшан МАМУТОВ
Нодир ЖУМАЕВ

Гулшана ХУДОЁРОВА
Шухрат АСЛОНОВ
Абдулла АСЛОНОВ

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73А-уй.

электрон почта:
xxi_asr@mail.ru
xxi_asr@mail.ru



Телефонлар:
қабулхона –
71 215-63-80
(тел./факс).
Обуна ва реклама
бўлими –
71 255-68-50.

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлиги (собиқ Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва
оммавий коммуникациялар агентлиги)да 2011 йил
14 июнда 0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида chop этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда
босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ,
Бўғиртма рақами: Г – 645
Адади: 5 881
Баҳоиси келишилган нархда.
Топширилди – 21:10

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифларга
қайтарилмайди.

© “XXI asr” дан олинган маълумотларга манаб
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи
назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета тахририят компьютер
марказида терилди.

Саҳифаловчи:
Маъруфжон Раҳмонов



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир:
Фаррух ЖАББОРОВ